



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети


1. Ольга Кобзева, Нодирабегим Ваисова ЎРТА АСРЛАРДА ХИТОЙДА СУҒД МАДАНИЯТИ.....	4
2. Фуркат Бозоров БУГУНГИ КУН ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИНИНГ ТАСВИРИЙ ЕЧИМИ.....	12
3. Муслима Базарова ПАРАЛИМПИАЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	16
4. Бахтиёр Болтабаев XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИДАГИ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР.....	23
5. Гулчеҳра Султанова СУРАТГА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ: ХИВАЛИК УСТАЛАР.....	27
6. Холмамат Раупов МУРУНТОВ – ЖАҲОННИНГ НОЁБ ЖАВОҲИРИ.....	33
7. Саламат Сулайманов XX АСР БОШИДА АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИ ТАРИХИДАН.....	39
8. Ислом Қаршиев XVII-XVIII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ҒОЯЛАРНИНГ ГУМАНИСТИК МОҲИЯТИ (СЎФИ ОЛЛОЁР, ҲУВАЙДО АСАРЛАРИ АСОСИДА).....	46
9. Манзура Хасанова ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРИХИЙ РЕТРОСПЕКТИВАДА.....	53
10. Бахромжон Хайназаров ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ ТАРИХИДАН.....	60
11. Нодира Раджабова “МАВРИГИ”ЛАР БУҲОРО ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ НОДИР НАМУНАСИ СИФАТИДА.....	65
12. Юлдуз Холхужаева САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ РУС МАНБАЛАРИДА (XIX АСР II-ЯРМИ).....	73



Муслима Махмудовна Базарова,
ЎзДЖТУ, мустақил изланувчи

ПАРАЛИМПИАЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ РИВОЖИДАГИ РОЛИ

For citation: Muslima M. Bazarova, THE ROLE OF WOMEN-PARALYMPIANS IN THE DEVELOPMENT OF SPORT IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2022, vol. 5, issue 12, pp.16-22

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7482923>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақиллик йилларида республикада спорт соҳасига бўлган эътиборнинг ошгани, миллий спортни ривожлантиришга доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳақида сўз боради. Мақолада Ўзбекистон хотин-қизларининг республика спортини ривожлантиришдаги улкан хиссаси эътироф этилади. Ногиронлиги бўлган спортчи қизларнинг Паралимпия ўйинларида қўлга киритган ютуқлари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: спорт, аёллар спорти, қонун ҳужжатлари, чемпион қизлар, Олимпия ўйинлари, Паралимпиада, имконияти чекланганлар, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, спорт мактаблари, мураббийлар, медаллар.

Муслима Махмудовна Базарова,
ЎзДЖТУ, независимый исследователь

РОЛЬ ЖЕНЩИН-ПАРАЛИМПИЙЦЕВ В РАЗВИТИИ СПОРТА УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье говорится о повышенном внимании в республике, в годы независимости, к спорту, о принятии ряда законов и подзаконных актов о развитии национального спорта. В статье отмечается большой вклад женщин Узбекистана в развитии спорта в республике. Анализируются достижения спортсменок с ограниченной возможностью на Паралимпийских играх.

Ключевые слова: спорт, женский спорт, законодательные акты, чемпионки, Олимпийские игры, Паралимпиада, люди с ограниченной возможностью, поддержка женщин, спортивные школы, тренеры, медали.

Muslima M. Bazarova,
UzDJTU, independent researcher

THE ROLE OF WOMEN-PARALYMPIANS IN THE DEVELOPMENT OF SPORT IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article refers to the increased attention in the republic, during the years of independence, to sports, the adoption of a number of laws and by-laws on the development of national sports. The article notes the great contribution of women in Uzbekistan to the development of sports in the country. The achievements of athletes with disabilities at the Paralympic Games are analyzed.

Index Terms: sports, women's sports, legislative acts, champions, Olympic Games, Paralympics, people with disabilities, support for women, sports schools, coaches, medals.

1. Долзарблиги:

Мазкур мавзу истиқлол йилларида республикада жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг юксалишига бўлган алоҳида эътиборни таъкидлаб ўтиб, Ўзбекистон спорти ривожига хотин-қизларнинг қўшаётган ҳиссасини чуқурроқ англаш ва ёшлар орасида спортни кенг тарғиб этишга ёрдам беради. Сўнги йилларда спортга бўлган эътиборнинг давлат сиёсати даражасига чиқиши мавзунинг долзарблигини акс эттиради.

2. Методлари ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур мавзуда тўпланган маълумотларни тизимлаштириш, муаммоларни комплекс умумлаштириш, таҳлил ва даврлаштириш, тарихийлик, солиштириш ва комплекс таҳлил қилиш каби методлардан фойдаланилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти мустақилликнинг илк йиллариданоқ миллий спортни ривожлантириш, аҳолининг жисмоний саломатлигини мустахкамлаш сиёсати йўлидан бормоқда. Кейинги бир неча йил ичида спорт соҳасига эътибор янада кучайди. Айниқса, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлигини сақлаш, аёллар спортини ривожлантириш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, гендер тенгликни таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш соҳасига доир қатор қарор ва қонунлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2021 йилдаги ПҚ-5020-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, ЎзР Президентининг 07.03.2022 йилдаги ПФ-87-сонли “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, ЎзР Президентининг 01.03.2022 йилдаги ПҚ-146-сонли “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”даги Қарори, ЎзР Президентининг 01.03.2022 йилдаги ПФ-81-сонли “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сонли “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони каби қонун ҳужжатлари мамлакатда аёлларга бўлган катта эътибордан далолат беради.

Мустақиллик йилларда олимпия ва паралимпия ҳаракатларини янада ривожлантириш ва Ўзбекистон спортчиларини олимпиада мусобақаларига тайёргарлигига кўмаклашиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.03.2018 йилдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 27.06.2018 йилдаги “Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги спортчиларининг олимпия тайёргарлиги марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-485-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сонли Фармони, 30.10.2020 йилдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон Фармони, Президентнинг 07.06.2000 йилдаги “Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини янада

ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шаҳри(Австралия)даги XXVII Олимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги ПФ-2618-сонли Фармони, ЎзР Президентининг 18.05.2012 йилдаги “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5114-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 14.10.2022 йилдаги “Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси ҳузуридаги паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМҚ-599-сонли Қарори каби қонун ҳужжатлари асосида спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўришлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев Токиода бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси вакиллари билан учрашувдаги нутқида спортчиларни улкан зафарлар билан қутлади. Шунингдек, юртимизда аёллар спорти ҳам жадал ривожланаётганини қайд этиб, “...аёллар ўртасида спортни ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган катта ишларимиз ижобий натижа бермоқда. Буни 28 нафар спортчи хотин-қизларимиз Токио Олимпиадасига йўлланмани қўлга киритгани ҳам тасдиқлайди. Таъкидлаш керакки, бу мустақил Ўзбекистон тарихидаги рекорд натижадир. Боксчи қизларимиз илк бор Олимпиадага 3 та йўлланмани қўлга киритишди. Натижада бокс бўйича жами лицензиялар сони 11 тани ташкил этди. Ушбу Олимпия ўйинларида фақат учта давлат шунча боксчи билан иштирок этганини ҳисобга олсак, бу ҳам албатта алоҳида эътиборга лойиқ кўрсаткич” эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 10 сентябрда паралимпиячилар билан бўлган учрашувда енгил атлетикачи қизлар – Нозима Қаюмова, Моҳигул Ҳамдамова, София Бурҳонова ҳамда рақибалари орасида энг ёш бўлган таэквондочи Гулжоной Наимовага алоҳида ташаккур изҳор этди.

Юртимизда аёллар спортини ривожлантириш ишлари ўз самарасини бермоқда. Бунга далил сифатида республика спортчи хотин-қизларнинг жаҳон спорт мусобақаларида, жумладан Олимпия ва Паралимпия ўйинларида сўнги йилларда қўлга киритган ютуқларини келтириш мумкин.

“Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5114-сон Президент Қарорида паралимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари санаб ўтилган. Унга кўра, “жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни кенгайтириш ҳамда улар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар қамровини янада ошириш; барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт бўлимларини босқичма-босқич ташкил этиш ҳамда иқтидорга эга бўлган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни танлаб олиш, уларни спорт турларига йўналтириш, тайёрлаш ҳамда олий спорт маҳоратига эришишини таъминловчи узлуксиз ягона комплекс тизимни жорий этиш; ... паралимпия спорт турлари бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини яратиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш; жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларини рағбатлантириш, жисмоний ва ижтимоий мослашуви интеграциясини дастурий-услубий таъминлаш, касбий реабилитация ва кадрлар тайёрлаш; ... барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланишлари учун замонавий моддий-техник базани шакллантириш” ишлари жадал олиб борилмоқда.

Юртимизда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар самараси ўлароқ кейинги икки паралимпия ўйинларида турли даражадаги медалларни қўлга киритиб қайтган паралимпиячи қизлар номини тилга олиб ўтиш жойиз.

2016 йил Рио-де-Жанейрода ўтказилган Паралимпия ўйинларида 159 давлатдан жами 4328 та спортчи қатнашган бўлса, шундан 1687 таси аёл спортчилар эди. Унда 220 та жаҳон рекорди ва 432 та паралимпия рекорди янгиланди, 22 спорт турида 528 медал учун кураш олиб борилди. Рио-де-Жанейро – 2016 Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон шарафини спортнинг беш йўналишида 32 спортчи ҳимоя қилди. Мазкур ўйинларда юртимиз спортчилари ўз ҳисобларига 31 та – 8 та олтин, 6 та кумуш ва 17 та бронза медалини ёзиб қўйдилар. 2016 йили Рио-де-Жанейрода ўтказилган ёзги Паралимпия ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчилар орасида бир қатор спортчи қизларимиз фахрли ўринларни эгаллаб қайтдилар:

Фотимахон Амилова – сузишнинг турли усуллари бўйича олтин, кумуш ва бронза, Нозимахон Қаюмова – (енгил атлетика) олтин; Муслима Одилова (сузиш) 2 та кумуш, Сафия Бурханова – (енгил атлетика) ва Хайитжон Алимова – (дзюдо) кумуш; спортнинг дзюдо тури бўйича Севинч Салаева, Турсунпошша Нурметова ва Гулруҳ Раҳимовалар бронза, сузиш бўйича Шоҳсанамхон Тошпўлатова 2 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Сузувчи-паралимпиячи Фотимахон Амилова 2016 йилги ёзги Паралимпия мусобақаларида 100 метрга брасс услубида сузиш (СБ 13) бўйича жаҳон рекордини ўрнатган ҳамда ушбу ўйинларда 100 метрга брасс, баттерфляй ва эркин сузиш бўйича бир йўла 3 та – олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган. Амилова “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирланган. У шунингдек, 2018 йилда Жаккартада бўлиб ўтган Ёзги Параолимпия ўйинларида ҳам сузишнинг турли йўналишлари бўйича олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлди. Параолимпия ўйинларида Фотимахон СМ 13 комплекси билан 200 метр ва СБ 13 брасс усулида 100 метрга сузиш бўйича жаҳон рекордларини янгилашга муяссар бўлди.

Нозимахон Қаюмова енгил атлетикачи-паралимпиячи 2016 ва 2021 йилги ўйинларда найза улоқтириш бўйича олтин медални қўлга киритган. Ўзбекистон ифтихори Нозима Қаюмова 2017 йил Лондонда бўлиб ўтган паралимпия енгил атлетикаси бўйича Жаҳон чемпионатида ҳам юртимиз шаънини муносиб ҳимоя этиб олтин медални қўлга киритган эди.

Муслима Одилова 2016 йилда Португалиядаги Европа очик чемпионатида сузиш бўйича жаҳон рекордини янгиллаб Паралимпияга йўлланмани қўлга киритган. Рио-де-Жанейрода иккита кумуш медални қўлга киритган Одилова, 2021 йилда Токиода ўтказилган Паралимпия – 2020 мусобақаларида тўртинчи ўринга сазовор бўлган. Муслима Одилова “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи” унвони соҳибаси.

2016 йилги Паралимпияда енгил атлетика мусобақасида кумуш медални қўлга киритган Сафия Бурханова Паралимпия ўйинлари – 2020 да олтин медал соҳибасига айланди. Шу йили спортчи “Ўзбекистон ифтихори” унвонига сазовор бўлди.

Раҳимова Гулруҳ – дзюдочи-паралимпиячи. 2016 йил ўйинларида бронза медалини қўлга киритган, Параолимпия ўйинлари, Ислон бирдамлик ўйинлари, Олимпия чемпионати ва Жаҳон кубоги совриндори. Жасорат медали билан тақдирланган.

2021 йил 24 август – 5 сентябрда бўлиб ўтган Токио – 2020 XVI Паралимпия ўйинларида 163 миллий команда қатнашган бўлиб, Ўзбекистон делегацияси ушбу Паралимпия ўйинларига спортнинг 8 та турида 48 спортчи билан 55 та йўлланмани қўлга киритган эди. Юртимиз вакилларида 44 та спортчи (25 эркак ва 19 аёл) қатнаша олган ушбу спорт мусобақасида Ўзбекистон 163 та мамлакат ичида 16-ўринни эгаллади. Ўзбекистон жамоаси жами 19 медални қўлга киритди. Шундан 8 таси олтин, 5 таси кумуш ва 6 таси бронза. Бу кўрсаткич Олимпия жамоалари (Хитой, Япония ва Эрондан сўнг) ва МДҲ (Россия, Украина ва Озарбайжондан кейин) мамлакатлари орасида тўртинчи, Марказий Олимпия ва Туркий халқлар орасида биринчи бўлди. Мазкур ўйинларда қўлга киритилган 19 та медалнинг 11 таси аёл спортчиларга тегишли эканлиги Ўзбекистон спортчи аёлларининг юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилганликларидан далолатдир.

2021 йил Паралимпия чемпион-қизлари:

Нозимахон Қаюмова (найза улоқтириш), Моҳигул Ҳамдамова (диск отиш), София Бурханова (ядро улоқтириш), Гулжаной Наимова (тхэквондо)лар олтин; Асила Мирзаёрова (узунликка сакраш), Рўза Қўзиева (пауэрлифтинг), Парвиза Самандарова (дзюдо)лар кумуш,

Нурхон Курбонова (найза улоктириш) кумуш ва бронза; Нафиса Шерипбаева (дзюдо), Шоҳсанам Тошпўлатова(200 метрга комплекс сузиш)лар бронза медалини қўлга киритдилар.

Моҳигул Ҳамдамова енгил атлетикачи, спортнинг найза, диск улоктириш турлари билан шуғулланади. Ёзги Паралимпия – 2020 чемпиони, ёзги ПараоСИё ўйинлари кумуш медали совриндори. 2016 йилдан профессионал спорт билан шуғулланишни бошлаган Моҳигул 2017 йилдан халқаро турнирларда Ўзбекистон терма жамоаси иштирокчиси. 2018 йилда Жаккартада бўлиб ўтган ПараоСИё ўйинларида найза отиш бўйича кумуш медални, 2019 йил Тунисда ўтказилган паралимпия енгил атлетикаси бўйича Гран-при босқичида диск ва найза отишда иккита олтин, ядро улоктиришда кумуш медалларини қўлга киритган. 2021 йилги паралимпия енгил атлетикаси бўйича Дубайда ўтказилган Гран-прида диск улоктириш бўйича олтин, найза отиш бўйича кумуш, Токио – 2020 ўйинларида диск отишда олтин медал соҳибаси, “Ўзбекистон ифтихори”.

Асила Мирзаёрова Токио – 2020 ўйинларида узунликка сакраш бўйича кумуш медални қўлга киритди. Anatomicá журналига берган интервьюсида Асила, бу ютуққа ота-онаси, тренерининг унга бўлган ишончи, ўзининг қаттиқ меҳнати орқали эришганини таъкидлайди. 15 ёшда кўз нуридан айрилган Асила ўз олдига қўйган юксак мақсади Ўзбекистон байроғини юқори кўтариб, олтин медал соҳибаси бўлиш ва келгусида ўз рекордларини янгилаш эканини айтади.

Гулжаной Наимова аёллар орасида тхэквондо бўйича Ўзбекистон спорти тарихида илк олтин медални қўлга киритган спортчи сифатида муҳрланиб қолди. У паратхэквондо бўйича Европа чемпионати ва икки карра Жаҳон чемпионати совриндори.

Парвиза Самандарова – пара-дзюдоист. 2019 йилги ОСИё чемпионатида олтин, ПараоСИё – 2018 ва Жаҳон чемпионати(Лиссабон 2018)да бронза медалларини қўлга киритган Парвиза, Токио – 2020 да дзюдо бўйича ўз вазнида кумуш медалга сазовор бўлган. 2021 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи” унвонига лойиқ кўрилган.

Нурхон Курбонова найза отиш, диск ва ядро улоктириш бўйича спорт мусобақалари ғолиби. У Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. 2021 йил Дубайда паралимпия енгил атлетикаси бўйича ўтказилган Гран-прида найза отиш бўйича олтин медални қўлга киритган. Токиода ўтказилган ёзги Паралимпия ўйинлари очилишида байроқбардор этиб танланган, бироқ карантинга тушганлиги сабабли Токио – 2020 очилиш маросимида Ўзбекистон байроғини параканоз чемпиони Шаҳноза Мирзаева ва параенгил атлетикачи .Муҳаммад Рискимов олиб ўтдилар. Токио – 2020 ўйинларида ядро улоктиришда бронза, найза отишда кумуш медалини қўлга киритган. 2021 йил “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” унвонига сазовор бўлган.

Нафиса Шерипбаева – пара-дзюдочи, ОСИё чемпионатларида олтин (Тошкент – 2017) ва кумуш (Атиртау – 2019) медалларини, Жаккартада ўтказилган ПараоСИё ўйинларида кумуш медалларини қўлга киритган. Уорк (Буюк Британия)да ўтказилган дзюдо бўйича Гран-при босқичида кумуш медал соҳибаси сифатида Паралимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритиб, Токио – 2020 да иккинчи ўринни эгаллади. Нафиса “Жасорат” медални билан тақдирланган.

4. Хулосалар:

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 329 та спорт мактаби бор. Уларда 13 минг нафардан зиёд мураббийлар ишламоқда, 328 мингдан ортиқ ёшлар спортнинг 30 дан ортиқ тури билан шуғулланмоқда. Мазкур спорт мактаблари ишларининг самарадорлигини ошириш учун ҳар йили давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилмоқда. Бўлғуси чемпионларни тарбиялаб етиштиришда, шубҳасиз мазкур мактабларнинг ўрни бекиёс. Аҳоли орасида жисмоний тарбия ва спорт билан мутназам шуғулланиб бориш маданиятини ошириш ҳозирги кунда давлатимиз олдида турган долзарб масаладир. Соғлом келажак тарбияси учун аввало хотин-қизларнинг жисмоний соғлиғини мустаҳкамлаш даркор. Ота-оналарни ўз фарзандлари, айниқса, бўлғусида соғлом фарзанд тарбиялайдиган қизларни спорт секцияларига бериш мақсадга мувофиқдир.

Иктибослар/Сноски/ References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сонли Фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated 24.01.2020 No.5924 "On measures to further improve and popularize physical education and sports in the Republic of Uzbekistan")
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2020 йилдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон Фармони (Decree No. 6099 of the President of the Republic of Uzbekistan dated 30.10.2020 "On measures to widely implement a healthy lifestyle and further develop mass sports")
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.06.2000 йилдаги “Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шаҳри(Австралия)даги XXVII Олимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги ПФ-2618-сонли Фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated 07.06.2000 No. 2618 "On further development of the Olympic movement in Uzbekistan and preparation of the country's athletes for the XXVII Olympic Games in Sydney (Australia)")
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.05.2012 йилдаги “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5114-сон Қарори (Decision No.5114 of the President of the Republic of Uzbekistan dated 18.05.2012 "On additional measures for the development of the Paralympic movement")
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2021 йилдаги ПҚ-5020-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (Decision of the President of the Republic of Uzbekistan No.5020 dated 05.05.2021 "On measures to further improve the system of supporting women and ensuring their active participation in the life of society")
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.03.2022 йилдаги ПФ-81-сонли “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated 01.03.2022 No. PF-81 "On measures to improve the system of working with families and women, and supporting the neighborhood and clergy")
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.05.2021 йилдаги “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5114-сон Қарори (Decision of the President of the Republic of Uzbekistan dated 18.05.2021. No. 5114 "On additional measures for the development of the Paralympic movement")
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.06.2018 йилдаги “Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги спортчиларининг олимпия тайёргарлиги марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-485-сон Қарори (Decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated 27.06.2018. No 485 "On measures to organize the activities of Olympic training centers for athletes under the National Olympic Committee of Uzbekistan")
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.10.2022 йилдаги “Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ҳузуридаги паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМҚ-599-сонли Қарори.
10. <https://www.gazeta.uz/ru/2021/08/28/paraolympics-4/>
11. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/28/paralimpiada/>
12. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/09/06/paralympic-games/>
13. <https://olympdeka.ru/olymp/country/profile/uzb.html>

14. Asian Junior Championships 2008 Wayback Machine. World Junior Athletics History. Retrieved on 2014-02-18.
15. Strong winds hinder Asian Grand Prix finale in Chonburi Wayback Machine. IAAF (2012-05-15). Retrieved on 2014-02-18.
16. 6th Asian Indoor Championships Tilastopaja. Retrieved on 2014-02-17.
17. uza.uz. О награждении группы спортсменов и тренеров, добившихся высоких результатов на XVI летних Паралимпийских играх в городе Токио (узб.).
18. uza.uz. О награждении группы спортсменов и тренеров, добившихся высоких результатов на XVI летних Паралимпийских играх в городе Токио (узб.).

ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000